

Ифтор пайтида рўзадорнинг мустажоб дуоси бор



19:15 / 05.05.2020 2171

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳар таомидан кундузги рўзага, қайлула уйқусидан тундаги қиёмга қувват олинглар»**, дедилар».

Ибн Можа, Ҳоким ва Табароний ривоят қилишган.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: **«Ифтор пайтида рўзадорнинг мустажоб дуоси бор»**».

Абу Довуд ривоят қилган.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Модомики ифторни тез қилишар экан, кишилар яхшиликда бўлурлар»**», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида: **«Модомики одамлар ифторни тез қилишар экан, дин устун бўлур»**, дейилган.

Термизий ва Аҳмаднинг ривоятларида эса: **«Аллоҳ аzza ва жалла: «Мен учун бандаларимнинг энг маҳбуби ифторни тезроқ қиладиганидир», деди»**, дейилган.

Салмон ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қачон бирингиз ифтор қилса, оғзини хурмо билан очсин, чунки у баракадир. Ким топмаса, сув билан очсин, чунки у покловчидир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

«Мўминнинг қалқони» китобидан